



ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИДАГИ “СЕКТОР” ТУШУНЧАСИГА ДОИР ИЛМИЙ ЁНДАШУВЛАР

Сарабеков Хасан Давронович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
мустақил изланувчиси, доцент;

Азизов Элбек Усмонжонович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Ички ишлар органларининг
маъмурий фаолияти кафедраси доценти, ю.ф.б.ф.д. (PhD), доцент
<https://doi.org/10.5281/zenodo.10457235>

Аннотация: мақолада ички ишлар органларининг секторлардаги фаолиятига доир илмий-назарий тушунчалар тавсифи, хусусан бу борада илмий манбалар таҳлил қилинган ҳамда муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган.

Таянч сўзлар: ички ишлар органлари, сектор раҳбари, сектор штаби, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, сектор ваолиятини ташкил этиш, республика – вилоят – туман – шаҳар тамойили, “фуқаробай”, “оилабай”, “маҳаллабай” тамойили ва бошқалар.


Аннотация: в статье рассматриваются научно-теоретические концепции деятельности органов внутренних дел в секторах, в частности, анализируются научные источники по этому поводу и разрабатывается определение авторства.

Ключевые слова: органы внутренних дел, начальник сектора, штаб сектора, социально-экономическое развитие регионов, организация отраслевой ответственности, принцип республика-область-район-город, принцип «гражданин», «семейный», «махаллабая» и т.д.

Abstract: the article examines scientific and theoretical concepts of the activities of internal affairs bodies in sectors, in particular, analyzes scientific sources on this subject and develops a definition of authorship.

Key words: internal affairs bodies, sector head, sector headquarters, socio-economic development of regions, organization of sectoral responsibility, republic-region-district-city principle, “citizen”, “family”, “mahallabaya” principle, etc.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолининг яшаш шароитларини тубдан яхшилаш, турмуш даражасида сезиларли ижобий ўзгаришларга эришиш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ушбу мақсадда ҳудудларни секторларга бўлиб ишни ташкил этиш тизимининг жорий





этилганлиги халқ билан манзилли мулоқотнинг йўлга қўйилишига имкон яратди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев ташаббуси билан Халқ қабулхоналарининг ташкил этилганлиги, барча давлат органларининг жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари билан ишлашнинг мутлақ янги тизими ва тартиби жорий этилганлиги “Халқ билан узлуксиз мулоқот ва инсон манфаатлари учун хизмат қилиш, барча даражадаги раҳбарлар учун нафақат мажбурият, балки ҳаётий тамойилга айланиши шарт” [1], деган ғояни ҳаётда таъминлаш имконини берди.

Ички ишлар органлари фаолиятининг таркибий қисми сифатида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича сеторларни бошқариш ҳамда ушбу фаолиятга доир дастурларни амалга ошириш механизмини ўрганиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади.

Шу боисдан, таҳлилимиз аввалида ички ишлар органларининг ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш секторлари ва уни тартибга солиш масалалар билан боғлиқ тушунчаларнинг моҳиятини аниқлаштириб олишни лозим деб ҳисобладик.

Жумладан, Г.В. Гутман, А.А. Мироедов, С.В. Федин каби олимлар фикрларига кўра, ишлаб чиқаришни жойлаштириш масалалари ҳудудни ўрганувчи фанлар тизимининг ягона йўналиши эмас. Ушбу фан тизимининг асосчиси У.Изард ҳисобланади. Айнан У.Изард ва В.Леонтьевлар ҳудудий ташкилотлар иқтисодиётини бошқариш, режалаштириш, прогнозлаш ва стратегик бошқарув каби масалаларни қўшган ҳолда ҳудудий фанлар предмети доирасини кенгайтirdилар[2]. Ана шу тариқа мазкур йўналишдаги фаолият фанинг объекти сифатида том маънода тадқиқ қилиниб келинмоқда.

Бундан ташқари, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш XIX-асрда шакллана бошлади. Хорижий тадқиқотчилар орасида немис иқтисодчилари – И.Г. Тюнен, А. Вебер, В. Кристаллер, А. Лешлар энг катта ҳисса қўшган.

Пенсилвания университетининг профессори Валтер Исард, француз иқтисодчиси Жан Шардонне, россиялик ва америкалик иқтисодчи Василий Леонтиев, В.Томсон, Т.Паландер, шунингдек, таниқли олимлар Х.Армстронг ва Ж.Тейлор минтақавий иқтисодий назария муаммолари, ишлаб чиқариш кучларини тақсимлаш ва ҳудудий ишлаб чиқариш самарадорлиги масалаларини ишлаб чиқишган. Энг ёрқин контурларини





АҚШда 1950 йилларда иқтисодий назария ва иқтисодий география чорраҳасида минтақавий илм-фан асосчиси Валтер Исарднинг асарларида кўрсатиб ўтилган.

XX - асрнинг биринчи ярмидаги собиқ иттифоқ тадқиқотчиларидан Г.М.Кржижановский, И.Г.Александрова, В.В.Куйбишева, Н.Н.Колосовский узоқ муддатли режалаштириш ва иқтисодий районлаштириш масалалари билан шуғулланган. Йигирманчи асрнинг 60 йилларидан бошлаб минтақавий иқтисодиёт Россияда энг тўлиқ ривожланган бўлиб, у иқтисодиётнинг ҳудудий ташкил этилишини режалаштириш учун минтақаларнинг иқтисодий ривожланишини ўрганадиган иқтисод фанининг бир тармоғи сифатида талқин қилинган[3].

Йигирманчи асрнинг иккинчи ярмидаги маҳаллий олимлар орасида Т.С.Хачатурова, Я.Г.Фейгина, Н.Н.Некрасов, А.Г.Гранберг, Р.М.Алампиев, Е.В.Алаева, К.Н.Бедринтсева, Г.И.Граника, Ф.Д.Заставний, Р.С.Лившиц, К.И.Клименко, Ю.К.Козлова, А.М.Корнеэва, В.В.Кистанов, А.Г.Омаровский, Н.Н.Ознобина, В.Ф.Павленко, М.М.Паламарчук, Ю.Г.Саушкина, Э.Д.Силаева, Н.И.Шраг ва В.М.Торосовларни келтириш мумкин[4].

Шу боисдан, тадқиқотимиз аввалида ички ишлар органлари раҳбарлари бошчилик қиладиган ҳудудларнинг комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлардаги фаолиятига доир сектор ва уни тартибга солиш масалалар билан боғлиқ тушунчаларнинг моҳиятини аниқлаш мақсадга мувофиқ деб ҳисобладик.

Этимологик жиҳатдан “сектор” тушунчаси латин тилидаги “seco” сўзидан олинган бўлиб, “қирқилган”, “қирқиб ажратувчи”, “эгри чизиқ ёйи ва бу ёй учларини эгри чизиқда ётмаган нуқта (сектор учи)га туташтирувчи кесимлар билан чегараланган ясси шакл[5]. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида [lot. sector – а) яхлит бир ҳудуднинг маълум бир радиус ва чегаралар билан чекланган қисми, алоҳида ажратилган ҳудуд, б) баъзи идора ва муассасаларнинг муайян фаолиятга ихтисослашган бўлими, в) халқ хўжалигининг муайян иқтисодий ва ижтимоий белгилар билан ажралиб турадиган қисми, соҳаси, хусусий сектор, давлат сектори] [4] деган ўзаро маънодош сўзлар билан ифодаланади.

Ҳуқуқшунос олимлар М.И.Кутбитдинова, Д.Ю.Матризаевалар тадқиқотларида: ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш доирасида муайян минтақа иқтисодиёти, ҳудудлар ўртасидаги иқтисодий алоқалар, минтақавий тизимлар (миллий иқтисодиёт ўзаро таъсир қилувчи ҳудудлар тизими сифатида), ишлаб чиқарувчи кучларни






жойлаштириш, иқтисодий ҳаётнинг минтақавий жиҳатлари, ҳудудий бошқарув тизимини моделлаштириш, минтақада хўжалик фаолиятини бошқариш ва тартибга солиш механизмлари ва усулларини такомиллаштириш каби муаммолар ўрганилишини таъкидлайдилар[7].

Шунингдек, рус ҳуқуқшунос олими О.Г.Смешко ўзининг монографик тадқиқотида ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини баҳолаш тамойиллари, самарали бошқарувни қабул қилиш воситаси сифатида ҳудудий бошқарув методологиясини жорий этишни таклиф этади[8].

Шу ўринда айтиш керакки, ҳар бир ҳудуддаги криминоген вазияти энг оғир бўлган маҳаллада жиноят сабабларини “илмий диагноз” асосида бевосита ўрганиш ҳамда сектор раҳбарлари, маҳалла раислари ва профилактика инспекторлари учун ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликни жиловлаш бўйича “фуқаробай”, “оилабай”, “маҳаллабай” тамойили асосида ишлаш методикасини яратиш изчиллик билан даввом этмоқда. Бу эса, туман (шаҳар) ички ишлар органларининг профилактика инспектори, хотин-қизлар масалалари бўйича инспектори, вояга етмаганлар ва ёшлар билан ишлаш инспектори, сектор раҳбари ва “маҳалла еттилиги”нинг иш фаолиятини самарали ташкил этишга хизмат қилади.

Профессор Ў.Х. Мухамедовнинг “маҳаллама-маҳалла, уйма-уй юриб, одамларнинг ҳаётини муаммоларини бевосита ўрганиш ва уларни қонуний асосда ҳал қилинишига амалий ёрдам кўрсатиш ишларини тизимли равишда амалга ошириш – халқпарвар ички ишлар тизимини яратиш борасида асосий талаблардан ҳисобланади” [9], деган фикрлари айнан ички ишлар органларининг секторлардаги фаолиятини ташкил этишда халқчил бўлишликка ундайди.

Д.А. Каримов тадқиқот ишида республика ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таҳлил қилишда рейтинг баҳолаш тизимининг афзалликлари баён этилади[10]. Ушбу тадқиқотчининг қарашларида ҳудудларга бириктирилган сектор раҳбарларининг фаолиятини иқтисодий-ижтимоий жиҳатдан ривожлантириш бўйича рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш масаласига йўналтирилган ёндашувларни кўриш мумкин. Бироқ, ички ишлар органлари секторлари раҳбарларининг сектор штаби аъзолигига киритилган масъул давлат органлари, корхона, муассаса ва ташкилотларининг фаолиятини ташкил этиш, мувофиқлаштириш ва бошқариш меъзонлари, уларнинг фаолиятида





ўзаро ҳамкорликда ишлаш салмоғи ҳам албатда назарда тутилмоғи даркор.


Фикримизча, ички ишлар органлари сектори раҳбарлари ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш фаолиятини рейтинг баҳолаш тизимида криминоген вазият, содир этилиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикасини таъминлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар билан ҳамкорликни ташкил этиш масалалари ҳам ўз аксини топиши зарур.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ички ишлар органлари секторларига раҳбарлик қилувчилар, шунингдек сектор штаби аъзоларининг аҳоли муаммоларини ўрганиш ва уларни бартараф этишда бошқарув қарорларини қабул қилиш, иш вақтини самарали тақсимлаш, мавжуд ресурслардан унумли фойдаланиш каби кўникмаларга эга бўлиши ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Илмий абабиётларда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалаларида бир қатор ёндашувларни кўришимиз мумкин. Хусусан, ҳудудларни а) иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришда - саноат, қишлоқ хўжалик ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаларини; б) ижтимоий соҳаларни ривожлантиришда эса, фан, таълим, маданият, спорт, соғлиқни сақлаш, меҳнатни муҳофазаси ва бошқалар келтирилади[4].

Тадқиқотлар кўра, ҳудудий ривожланиш ёки давлатнинг минтақавий сиёсати қуйидаги мақсадларни ўз ичига олиши керак: *биринчидан*, мамлакатнинг ҳудудий яхлитлиги ва бир бутунлигини таъминлаган ҳолда мамлакат минтақаларини мутаносиб равишда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш; *иккинчидан*, инсонларнинг турмуш даражаси ва сифатидаги ҳудудий номутаносибликларни камайтириш; *учинчидан*, мамлакат аҳолисини қайси ҳудудларда яшашидан қатъий назар уларга ўзларининг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини амалга оширишлари учун тенг имкониятлар яратиш ва хоказоларни назарда тутати[12]. Бироқ, ҳудудларни таркибий қисмларга ажратишда (ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар кесимида) ташкилий-ҳуқуқий, молиявий ёки моддий-техник жиҳатларига доир ёндашувлар мавжуд эмаслигини кўриш мумкин.

Ички ишлар органларининг секторлардаги фаолиятини тадқиқ этиш объекти, тадқиқот номланишидан маълум бўлганидек, мамлакат ҳудудлари ҳисобланади. “Ҳудуд” атамаси аниқ бир маъноли изоҳга эга





эмас ва турли хил фан йўналишлари ва тадқиқотчилар томонидан турлича талқин қилинади. “Худуд” ва “туман” (минтақа) тушунчаларининг юзга яқин изоҳлари мавжуд.

Иқтисодий география ва худудлар иқтисодиётида “худуд” атамаси кўп маъноларда қўлланилади. Илмий адабиёт ва даврий нашрларда ушбу атамадан “туман” тушунчаси секин-асталик билан сиқиб чиқарилмоқда. Кўп ҳолларда “туман (район)” атамаси “иқтисодий район” ва “маъмурий район” тушунчалари билан биргаликда ишлатилади. “Худуд” тушунчаси нисбатан эгилувчан ҳисобланади” деган фикрлар учрайди[13].

Т.М.Ахмедовнинг фикрига кўра, энг аввало, ўз ҳокимияти ва бошқарув органларига эга бўлган ижтимоий – иқтисодий ва моддий – худудий тизимларни ўзида акс эттирувчи аниқ бир мақсадга йўналтирилган минтақавий бирликларни худуд деб тан олиш керак[14]. Албатта, бундай тизимларга турли даражадаги маъмурий-худудий (миллий давлат) бирликлар мисол бўлади.

Худудларни аниқлашнинг асосий мезонларидан бири – ўз ҳукумати ва бошқарув органларига эга бўлиши ҳисобланади. А.М. Содиқовнинг фикрига кўра, Ўзбекистон шароитида худуд деганда, Қорақалпоғистон Республикаси, 12 та вилоят, Тошкент шаҳри, шунингдек, республиканинг маъмурий – худудий бирликлари тушунилади.

Худудларда комплекс ривожланишнинг аҳамияти нафақат кўрсатилган худудий номуносивликлар, ишлаб чиқариш самарадорлигининг пасайиши ва ноўрин моддий йўқотишлар билан боғлиқ, балки ишлаб чиқариш кучларини худуд шаклига қараб ташкил этилиши ва мамлакатда унга мос бўлган адекват янги худудий – секториал иқтисодий бошқарув тизими билан асосланади. Иқтисодий адабиётларда “Иқтисодий ривожланиш” тушунчаси ўтган асрнинг охириги чорагида мазмунан чуқурлашди.

Ушбу қайд этилган “Иқтисодий ривожланиш” тушунчасида шу нарсага эътибор бериш керакки, ҳаёт сифатнинг яхшиланиши биринчи навбатда барча аҳоли даромадларининг ўсишига – мамлакатда аҳоли жон бошига тўғри келадиган ўртача пул даромадларининг ўсишига боғлиқ қилиб қўйилади[15], деган қарашлар мавжуд. Албатта, ушбу қарашлар асосан худудларни иқтисодий асосларини ривожлантиришга алоқадор бўлиб, ички ишлар органларининг бу борадаги фаолиятини ташкилий ёки ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашга имкон бермайди.






Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, биз томондан тадқиқ қилинаётган масалада “сектор”, “ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш сектори”, “ички ишлар органларининг сектори”, “ички ишлар органларининг ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш секторини мувофиқлаштириш”, “ички ишлар органларининг ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторини бошқариш” каби мазмунан ва ўзаро алоқадор тушунча ҳамда категориялар ишлаб чиқишни тадқиқотимизнинг асосий мақсади этиб белгилаганмиз.

Бироқ, ҳуқуқшунос олимлар ўртасида ҳозирда тадқиқ этилаётган масалага нисбатан яхлит ҳамда умумэътироф этилган ёндашув мавжуд эмас. Таҳлил қилинаётган тушунча таркибининг назария ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида турлича талқин этилаётганлиги, амалдаги қонунчиликда эса ушбу атама таърифининг мавжуд эмаслиги, унинг мазмуни ҳамда амал қилиш доираси (чегараси)ни аниқлаштириш имконини бермайди.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, мамлакатимизда амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда илк мартаба 2014 йилдан бошлаб “ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш” [14], сўнгра 2017 йилдан эса, “ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар” [15] деган терминлар қўлланила бошланди.

Шунингдек, ички ишлар органларида, айниқса, Тошкент шаҳридаги туман ички ишлар бошқармалари (бўлими) негизида туманларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар ҳудудлари доирасида куч ва воситаларни мақсадли тақсимлаган ҳолда ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш [16] каби қоидалар жорий этилди.

Шунингдек, Ж.Т. Тавакалов “Ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишини бошқариш” атамасига нисбатан “ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишини бошқариш – бу тўғри ижтимоий-иқтисодий стратегия ишлаб чиқиш ва уни ҳаётга татбиқ этиш билан боғлиқ мақсад ва вазифаларни амалга оширишга йўналтирилган, шунингдек, барча жабҳаларда марказлашмаган тизим ва ишлаб чиқариш корхоналари фаолияти тамойилларига мувофиқ иш юритувчи бошқарув ташкилотларини шакллантиришга қаратилган фаолият йўналиши” [17], деган таърифни беради.





Илмий манбаларда давлат сектори тушунчасига нисбатан эса давлат мулкига нисбатан кенгроқ бўлиб, унинг фарқли томонларини ажратиш учун қуйидагиларни келтириш мумкин: а) давлат сектори давлат мулкчилигига асосланганлиги; б) молиялаштириш нуқтаи назаридан давлат бюджети ресурсларига таянганлиги; в) миллий даромад истеъмолчиси ва уни қайта тақсимлаш воситаси эканлиги; г) аҳоли бандлигини таъминлаш ва унга кўмаклашувчи; д) киритилган капитал қуйилмалардан максимал фойда олиш эмас, балки бутун миллий иқтисодиёт манфаатларига мос ривожлантиришга ундовчи куч сифатида тушуниш[18].

Фикримизча, бугунги кунда мамлакатимиздаги секторлар фаолиятини бошқариш, дунё давлатларидаги бошқарув тизимидан мутлақо фарқ қилувчи янги бошқарув тизими бўлиб, ундаги ички ишлар органларининг секторларининг моҳиятини англашда “ички ишлар органларининг сектори”, “ички ишлар органлари сектор раҳбарлари” ва “ички ишлар органларининг сектор штаби” каби тушунчаларга қуйидагича таъриф бериш мақсадга мувофиқ:

ички ишлар органларининг сектори – мамлакатнинг туман – шаҳар – вилоят – республика даражасида ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан аҳоли муаммоларини уйма-уй юриш орқали аниқлаш, таҳлил қилиш, уларга ҳар томонлама ёрдам бериш, ночор оилаларни камбағалликдан чиқариш, тадбиркорликни ривожлантириш, ишсизларни бандлигини таъминлаш ҳамда жиноятларнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси борасидаги ички ишлар органлари бошлиқларига ҳудуд фаолиятини бошқариш учун ажратилган қисми.

ички ишлар органлари сектор раҳбарлари ўз ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожланишини такомиллаштириш борасида ўз хизмат вазифаларидан ташқари секторлар фаолиятини бошқаришни ҳам ўз зиммаларига олган ва аҳолини муаммоларини уйма-уй юриш, “фуқаробай”, “маҳаллабай” асосида ўрганиш ва уларни ечимини топиш, фуқароларга ёрдам бериш чора-тадбирларини ишлаб чиқадиган, ночор оилаларни камбағалликдан чиқариш чораларини кўрадиган, ночор ва яшаш шароити оғир бўлган оила ва фуқароларни “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га рўйхатга олиш ва рўйхатдан чиқариш чораларини кўриш ваколатига эга бўлган шахс.

ички ишлар органларининг секторлар штаби – бу ички ишлар органлари секторларида таркибига киритилган идора ва





ташкilotларнинг ҳар бир сектор бўйича масъул ходимлари ишини мувофиқлаштириш ҳамда умумлаштириш бўйича ташкил этилган тузилма.


Яна бир муҳим жиҳат, ички ишлар органларининг ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш фаолиятида “ташкил қилиш”, “ҳамкорлик”, “мувофиқлаштириш”, “фаолиятни баҳолаш” тушунчаларга аниқлик киритиш тадқиқотнинг мақсадларидан ҳисобланади.

Ички ишлар органларининг бошқарув жараёнида энг кўп қўлланиладиган маъмурий-ташкилий усуллардан бири ҳамкорлик, фаолиятни режалаштириш, қарор қабул қилиш, ижрони ташкил этиш, назорат қилиш ва баҳолаш каби умумий функцияларни таъминлашнинг асосий элементи ҳисобланади[19]. Илмий ва махсус адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, ҳамкорлик тушунчаси ўзаро келишиш, йўл-йўриқ кўрсатиш, кўмаклашиш ва мувофиқлаштириш каби маънодош сўзлар билан ифодаланади. Шу боис ҳам, манбаъларда ҳамкорлик моҳиятига доир турли ёндашувларни учратиш мумкин.

Фаолиятнинг барча босқичларида “ҳамкорлик” тушунчасига нисбатан кенг ва тор маъноларда илмий ёндашувлар рус ҳуқуқшунос олимлари С.И.Ожегов, Т.Ф.Ефремова, Д.Н.Ушаков, В.А.Морозов, Ю.Н.Демидов, М.В.Костенников ва А.В.Куракинларнинг илмий манбаларида кўриш мумкин[20].

Жумладан, В.А.Афанасьевнинг “ҳуқуқбузарликлар профилактикасини таъминлашдаги ҳамкорлик – ушбу фаолият билан шуғулланувчи субъектларнинг ўзаро келишилган ҳолда фаолиятнинг шакл ва усуллари, хизмат ваколатларидан самарали фойдаланиш” [21], деган, Ж.С.Мухторов эса, жиноятларнинг олдини олишдаги ҳамкорликни – маъмурий ҳудуддаги криминоген вазиятни доимий равишда таҳлили асосида субъектларнинг келишилган тартибда биргаликда фаолият юритиши[22], Профессор И. Исмаилов тадқиқотларида эса, жиноятларнинг олдини олиш соҳасидаги ҳамкорликнинг қуйидаги тўрт даражада амалга оширилиши кўрсатилган: а) ички идоравий ҳамкорлик; б) идоралараро ҳамкорлик; в) жамоатчилик билан ҳамкорлик; г) халқаро ҳамкорлик[23] каби фикрларни учратишимиз мумкин.

Хулса сифатида айтиш мумкинки, ички ишлар органларининг секторлардаги фаолиятини назарий ва ташкилий-ҳуқуқий жиҳатлари чуқур ўрганиш ҳамда бу йўналишдаги ишлар самарадорлигини оширишга






қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этишни вужудга келтирмоқда.


Адабиётлар / литературы / literature:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Электрон манба: <https://president.uz/uz/lists/view/2228>
2. Гутман Г.В., Мироедов А.А., Федин С.В. Управление региональной экономикой. М. Финансы и статистика. 2002. С. 20. // Электрон манба: <https://iqtisodiyot.tsue.uz/sites/default/files/maqolalar>
3. Мэтякубов А. Д., Матризаева Д. Ю. Экономический анализ эффективности управления инвестициями в промышленности // Бюллетень науки и практики. 2020. Т. 6. №7. С. 251-256. <https://doi.org/10.33619/2414-2948/56/27>
4. Кутбитдинова М.И., Матризаева Д.Ю. Янги Ўзбекистон: Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегияси // Central asian academic journal of scientific research. Issn: 2181-2489 volume 2 | issue 5 | 2022. – Б. 506-515.
5. <https://uz.wiktionary.org/wiki/sector>
6. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. А.Мадвалиев таҳрири остида. – Т.: 2006-2008. – Б. 475. (Электрон манба: <https://ziyouz.uz/durdona-toplamlar/uzbek-tilining-izohli-lugati/>)
7. Смешко О.Г. Минтақавий иқтисодиёт: ривожланиш омиллари: монография. Санкт-Петербург: Санкт-Петербург менежмент ва иқтисодиёт университети нашриёти, 2014. - 266 б.
8. Мухамедов Ў.Х. Ўзбекистонда халқарвар ички ишлар тизимини яратиш истиқболлари: Монография. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2020. – 500 б.
9. Каримов Д.А. Республика худудларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таҳлил қилишда рейтинг баҳолаш тизимининг моҳияти ва афзалликлари // “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. № 5, sentyabr-oktyabr, 2020 yil. – В.179-188.
10. Солиев А. Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий географияси. Тошкент. «Университет». 2014. 404 б.; Рашидов М.К. Эркин иқтисодий худудларнинг мазмун-моҳияти ва худудлар ривожланишига таъсири // Электрон манба: <https://cyberleninka.ru/article/n/erkin-i-tisodiy-ududlarning-mazmun-mo-iyati-va-ududlar-rivozhlanishiga-tasiri>





11. Родионова И.А., Дирин Д.А. Крупнейшие транснациональные корпорации мира: сдвиги в страновой и секторальной принадлежности // Электрон манда: <https://istina.msu.ru/publications/article/552608039/>
12. Ахмедов Т.М. Регулирование территориальной организации производительных сил и комплексного развития регионов Узбекистана. Ташкент: Фан, 1992. С. 8.
13. Расулов Д. Стабилизация или экономической рост. // Экономический вестник, РУз», № 2, 1998.
14. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 25 сентябрдаги “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги ЎРҚ-376-сон қонуни // <https://lex.uz/acts/2468214>
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Худудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида”ги (08.08.2017 й.) ПҚ-3182-сон Қарори; Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Худудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги (08.01.2019 й.) ПҚ-4102-сон қарори
16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тошкент шаҳрида жамоат тартибini сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида”ги (14.02.2018 й.) ПҚ-3528-сон қарори // <https://lex.uz/docs/3556832>
17. Тавакалов Ж.Т. Иқтисодий ривожланиш ва худудларни бошқариш тизимининг концептуал асослари // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 6, ноябрь-декабрь, 2016 й. – Б. 7-8.
18. Хамраев О.Я. Давлат секторининг назарий асослари ва миллий иқтисодиётдаги роли. <https://cyberieninka.ru/article>.
19. Эгамбердиев Б.И. Ички ишлар органларининг миграция жараёнларига доир фаолиятининг назарий-ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатлари: Монография. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2021. – Б. 88 (239 б.).
20. Ожегов С.И. (1989). Словарь русского языка. М.: Русский язык, Ефремова Т.Ф. (2000). Новый словарь русского языка. Толково-словообразовательный. М.: Русский язык, Ушаков Д.Н. (2014). Большой толковый словарь русского языка. М.: Славянский дом книги; Морозов В.А. Взаимодействие: понятие, виды и свойства. Креативная экономика, 9(10),





2015. <https://cyberleninka.ru/article/n/vzaimodeystvie-ponyatie-vidy-i-svoystva> (дата: 07.01.2022г).
21. Афанасьев В.А. Организация работы участкового инспектора милиции. – М., 1990. – С. 38.
22. Ж.С Мухторов. Профилактика хизматларининг жиноятларнинг олдини олиш фаолиятини ташкил этиш ва такомиллаштириш: Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2012. – Б.16.
23. Исмаилов И. Уюшган жиноий тузилмалар фаолиятининг олдини олишни назарий ва ташкилий-ҳуқуқий таъминлаш: Юрид. фан. док... дис. – Т., 2006. – Б. 30.

